

Китобхонлик - маънавият сарчашмасидир

Инсон ҳаёти учун энг зарур нарсалар қаторида биринчи нон бўлса, иккинчиси китобдир. Нон инсоннинг моддий эҳтиёжини қондирса, китоб маънавий бойлиқ, ўзликни англаш, энг муҳими, инсоний тарбиянинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қиласди. Айнан тарбиявий омилнинг китобхонлик даражаси билан боғлиқлиги мутолаа ишининг ҳар қандай даврда ҳам давлат ва жамият учун асосий масала эканлигини англатади. Жумладан, жорий йилнинг 19 март куни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташабbus мазмуни ва уни амалиётга жорий этиш афзалликлари ҳақида тушунчаларни ривожлантириш, шунингдек, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида "Ер ресурсларини бошқариш" факультетининг ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳ.Эшова ташабbusи билан институтнинг катта анжуманлар залида "Китобхонлик - маънавият сарчашмасидир" деб номланган маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирни факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳ.Эшова очиб бериб, тадбир меҳмон кўнгилларни қитиқловчи, дил торларини чертувчи сатрлари билан шеърият шайдолари эътиборини қозонган истеъододли шоир "Оққушгинам" ва "Бахт бешиги" китоблари орқали бизга таниш бўлган "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби Дониёр Мирзога сўз берди. Дониёр Мирзони сўзга чиқиб, йиғилганларга бугунги кунда юртимизда китоб мутолааси маданиятини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган танловлар ва уларда иштирок этиш тартиблари ҳақида маълумотлар бердилар. Шунингдек, ўз шеърий тўпламидан намуналар ўқиб, талабаларнинг китоб ҳақидаги фикрларини тинглади, шахсий китоб жавонини яратиш ва уни бойитиш ҳақида мулоҳазалар юритди. Тадбир давомида иқтидорли талаба-қизлари Мухаммад Юсуф, Абдулла Орипов ва Зулфияхоним ижодидан ўзлари ёд олган шеърларини айтиб тадбирга ўзгача рух бағишлидилар. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамиша долзарб ва давомли бўлиб қолади.



**ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳуррият Эшова ахбороти
Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**